



PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF ECOTOURISM IN PROTECTED NATURAL AREAS

Z.M. Toshboev

Researcher

Jizzakh State Pedagogical Institute

Jizzakh, Uzbekistan

I.M. Urozaliev

Researcher

Jizzakh State Pedagogical Institute

Jizzakh, Uzbekistan

J.R. Khamzaev

Researcher

Jizzakh State Pedagogical Institute

Jizzakh, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: protected natural area, nature reserves and national parks, ecocenter, ecotourism, ecotour, tourist route, archaeological finds, paleontological monuments, unique natural objects.

Abstract: Today in our country much attention is paid to the development of ecotourism in specially protected natural areas, there is a growing interest in its study in order to develop ecotourism. This article discusses the importance of developing ecotourism in protected natural areas.

Received: 04.04.22

Accepted: 06.04.22

Published: 08.04.22

МУҲОФАЗА ҚИЛИНАЁТГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАРДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

З.М. Тошбоев

Тадқиқотчи

Жиззах давлат педагогика институти

Жиззах, Ўзбекистон

И.М. Урозалиев

Тадқиқотчи

Жиззах давлат педагогика институти

Жиззах, Ўзбекистон

Ж.Р. Хамзаев

Тадқиқотчи
Жиззах давлат педагогика институти
Жиззах, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

<p>Калит сўзлар: муҳофаза қилинаётган табиий ҳудуд, кўрикхоналар ва миллий боғлар, экомарказ, экотуризм, экотур, туристик маршрут, археологик топилмалари, палеонтологик қолдиқлар, ноёб табиат масканлари.</p>	<p>Аннотация: бугунги кунда мамлакатимизда муҳофаза қилинаётган табиий ҳудудларда экотуризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб келинмоқда ва экотуризмни ривожлантириш мақсадида уни тадқиқ этишга қизиқиш ортиб бормоқда. Ушбу мақолада муҳофаза қилинаётган табиий ҳудудларда экотуризмни ривожлантиришнинг аҳамияти кўриб чиқилган.</p>
--	--

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМА НА ОХРАНЯЕМЫХ ПРИРОДНЫХ ТЕРРИТОРИЯХ

З.М. Тошбоев

Исследователь

Джизакский государственный педагогический институт
Джизак, Узбекистан

И.М. Урозалиев

Исследователь

Джизакский государственный педагогический институт
Джизак, Узбекистан

Ж.Р. Хамзаев

Исследователь

Джизакский государственный педагогический институт
Джизак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: охраняемая природная территория, заповедники и национальные парки, экоцентр, экотуризм, экотур, туристический маршрут, археологические находки, палеонтологические памятники, уникальные природные объекты.</p>	<p>Аннотация: на сегодняшний день в нашей стране большое внимание уделяется развитию экотуризма на особо охраняемых природных территориях, растет интерес к его изучению в целях развития экотуризма. В данной статье рассматриваются важность развития экотуризма на охраняемых природных территориях.</p>
---	--

КИРИШ

Муҳофаза қилинаётган табиий ҳудудларнинг ҳозирги замон кишилари ҳаётидаги аҳамияти ва роли тобора ортиб бораётган бугунги кунда одамлардан табиатга янада эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тақозо этмоқда. Ўзининг тарихий ҳудудида

яшаб, ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир халқ доимо табиий бойликларини нафақат муҳофаза қилиш, балки уларни кўпайтириш ва ўз она ерида мавжуд бўлиши шароитини максимал даражада яхшилаш имкониятларидан фойдаланиб келажак авлодларга сақлаб қолишга қайғуриши лозим. Сайёрамизнинг табиат кўриқхоналари шунинг учун яратилганки, фан-техника тараққиётининг барча ютуқларига эришган ва коинотга парвоз қилган даврда яшаётган инсон Ер юзиде табиатнинг илк бор вужудга келган бурчаклари аждодларимиз томонидан ҳалигача сақланиб қолганлигини унутмаслигимиз лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимизда ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлигимиз саналган ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ташкил этишнинг ҳукукий, экологик, иқтисодий ва ташкилий умумий асослари Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 июлда қабул қилинган “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунида ҳам белгилаб берилган. Шунингдек, бугунги кунда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар – кўриқхоналар, миллий парклар дунёнинг кўпгина мамлакатларида экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда тарбиявий, ватанпарварлик, табиий-музей, илмий, маданий, таълимий, рекреацион-соғломлаштириш, экологик аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар кишиларни маданиятга, табиат гўзалликларига, табиат ёдгорликларига меҳр қўйишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Сайёрамизда тегинилмаган табиат гўшалари йил сайин камайиб бораётган ҳозирги даврда ранг-баранг табиатнинг табиий музейлик қиймати ортиб бормоқда. Табиатнинг ресурс салоҳиятини баҳолаш, илмий ва амалий тадқиқот ишларида эса кўриқхоналар ва миллий боғларни очик осмон остидаги дала лабораторияси ҳам дейиш мумкин. Шунинг учун муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда кўп йиллар мобайнида йиғилган қимматли экспонатлар ва экспозицияларнинг ажойиб коллекцияларини топиш мумкин ва уларнинг кам тегинилган табиати мониторинг олиб бориш учун эталон ҳисобланади. Тадқиқот олиб бораётган илмий ходимлар ушбу табиат комплексидаги компонентлари устида тадқиқот олиб бориш билан биргаликда уларни сақлаб қолиш борасидаги тавсиялар ишлаб чиқишади, биологик хилма-хилликнинг ортишига ҳисса қўшади. Ташриф буюрган сайёҳларда эса ўзини ўраб турган атроф-муҳит ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишларига имконият яратилади.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда бир қанча йўналишларда экотуристтик маршрутлар уюштириш мумкин. Асосий йўналишларнинг қисқача тавсифи қуйидагилардан иборат: 1. Илмий экологик туризм - илмий муассасалар ва

мутахассислар (зоологлар, энтомологлар, ботаниклар ва ҳ.к.) учун олдиндан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. 2. Умумтаълимий экологик экскурсиялар – фақатгина махсус участкаларда амалга оширилади. Ушбу йўналиш маҳаллий ташриф буюрувчиларга мўлжалланган. 3. Болалар учун мўлжалланган экотурлар – имтиёзли категория. Ҳар йили кўриқхонага ёрдам берувчи болалар учун бепул ташкил этиладиган экологик лагерлар. 4. Юқори даражада таъминланган аҳоли учун ёки коммерцион (тижорат) экскурсиялар – ташкилотга фойда келтирувчи, яъни хизмат кўрсатиш одатдан ташқари 20 %га қимматлаштирилган турлар. Кўриқхона режимига тўғри келмайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди. 5. Саргузашт экотурлар – якка (индивидуал) мижозлар билан ишлаш шакли. Коммерцион экскурсиялардан фарқли равишда мижознинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, муайян белгиланган ҳудудлардаги маршрутлар. Барча экотурлар жараёнида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ташвиқот ишлари мазмун ва моҳиятига кўра ишонарли, аниқ мақсадга қаратилган, тизимлаштирилган тарзда олиб борилса юқори натижаларга эришилади. Биосфера кўриқхонаси ҳудудининг зонал тузилиши комплекс экологик турларни ташкиллаштиришга мос келади. Бундай турлар экологик туризмда пешқадам бўлган Жанубий Африка Республикаси ва Австралияда кенг оммалашган. Шундай турларга ажратилган вақтнинг бир қисми инсон таъсир этмаган табиат билан танишиш бўлса, қолган қисми этнографик бўлиб, ерли аҳоли турмуш тарзи, хўжалик фаолиятининг анъанавий шакллари, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари, анъанавий таомлари, маҳаллий архитектура ва бошқалар билан танишишдир.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар инсоннинг ёввойи табиат билан мулоқоти ижобий эмоцияларнинг асосий манбаи ҳисобланади ҳамда катта психотерапевтик таъсир кўрсатади. Кўпгина кўриқхоналар ўз ҳудудларида шифобахш манбаларга эга бўлиб, улар аҳолининг саломатлигини тиклашда асқотиши мумкинлиги билан рекреацион-соғломлаштириш жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Муҳофаза қилинаётган табиий ҳудудлар сақланаётган ёввойи табиат инсонларнинг Ер юзасида бугунги кунда яшаб қолиши учун жуда зарур бўлиб, кенг омманинг фикрига биноан, фақатгина кўриқланадиган ҳудудлар экологик мувозанатни таъминлашга қодир. Кўриқхоналарнинг асосий вазифаларидан бири – аҳоли билан экологик-маърифий-маънавий ишларни олиб бориш нуқтаи назаридан экологик (муҳит ташкил қилувчи) аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Масалан, Россия Федерациясида кўпгина кўриқхоналарда махсус бўлимлар ташкил этилган бўлиб, у ердаги мутахассислар айнан шу фаолият билан шуғулланадилар. Ушбу экологик-маърифий бўлимлар ўзининг нақадар аҳамиятли ва зарур эканлигини исботлаб берган.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш тармоғи ўз ичига 8 та кўриқхона, 2 та табиат миллий боғи ва 1 та миллий боғ, 1 та биосфера резервати, 11 буюртмахона ва 1 та – Сайғоқли мажмуа (ландшафт) буюртмахонаси, Жайрон республика экомаркази, 10 тага яқин табиат ёдгорликларини олган. Ўзбекистондаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда ҳам экотуристтик маршрутлар ташкил этилмоқда. Хусусан, экомаршрутларни ташкиллаштиришда муҳофаза этиладиган ҳудудлар тартибига риоя қилишни таъминлаш зарур. Бунинг учун муҳофаза қилинадиган ҳудудлар раҳбарияти Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда турист ва экскурсантлар учун қоидалар ишлаб чиқишлари керак бўлади.

Ҳар қандай маршрут йўналиши танланганда, аввало унинг мақсади инобатга олиниши лозим. Ушбу экотуристтик маршрутларнинг мақсади экологик таълим-тарбия бериш, табиат билан ўзаро муносабат маданиятини кўтариш, табиий муҳитда ўзини тутиш ҳамда ахлоқ-одоб меъёрларига риоя қилишдан иборат. Ҳозирги кунда қоидага айланиб қолган ҳолатлардан бири, ҳар бир экотуристтик маршрутларнинг ички мазмунини белгилаш учун аввал унинг мақсади, экотур ўтказилиши кутилаётган объект, ундаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ўйлаб кўрилади. Айрим мутахассислар экскурсияларни ўтказишдан аввал қуйидаги амалларни бажаришни тавсия этадилар: шаҳарлар билан унинг атрофидаги жойлар, қишлоқ жойлари ва табиий ландшафтлар алоқадорлигини аниқлаш; табиий атроф муҳитга, ландшафтларга, табиатдан фойдаланиш тарихига эътиборни қаратиш; кишилар фаолияти таъсири остида ландшафтларнинг ҳозирги кўриниши ва келажак истикболларига, яъни динамик ҳолатига эътиборни қаратиш; ландшафтларнинг экологик ҳолатини ижобий томонга ўзгартириш йўллари ишлаб чиқишни режалаштириш; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тури ва уларнинг мақомини аниқлаштириш; саёҳатчиларнинг экологик онги ва маданиятини кўтаришнинг ечимини топиш ва ҳ.к.

Мамлакатимиз ҳудудида хорижий туристларни жалб қилувчи нафақат дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз сингари тарихий шаҳарлар, қадимги меъморий обидалар ва ёдгорликлар, балки шу билан биргаликда экотуризм билан боғлиқ бўлган бетакрор гўзал табиати, ландшафтлари, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жаҳон аҳамиятига эга бўлган нодир археологик топилмалари, палеонтологик қолдиқлар, дунёда кам учрайдиган геологик кесимлари, 8000 дан ортиқ табиий ёдгорликлари мавжуд. Бугунги кунда Ўзбекистонда овчилик-балиқчилик ер майдонлари 38 млн. гектардан ортиқ бўлиб, шундан 1 млн. гектарини сув фонди – кўллар, дарёлар, сув омборлари ташкил этади. Республикаимиз фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юривчилар ва 83 турдаги балиқларга эга. Улардан Ўзбекистон

Республикаси “Қизил китоб”ига ўтхўр ҳайвонларнинг 24 тури, кушларнинг 48 тури, судралиб юривчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури ва 78 турдаги умуртқасизлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника институти маълумотларига кўра, мамлакатимиз ҳудудида ҳозирги кунда ўсимликларнинг 4100 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, улардан 3000 дан ортиқ тури ёввойи ҳолда ўсувчи юксак ўсимликлар ва уларнинг 9 %и эндемиклар ташкил этади.

Ўзбекистон ҳудудининг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар таркибида 2164 км² майдонни ташкил этган 9 та давлат кўриқхонаси, 6061 км² майдонни ташкил этган 2 та миллий боғ ва ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Республика маркази (“Жайрон” Экомаркази), умумий майдони 12186 км² ни ташкил этган 11 та давлат буюртмаҳоналари мавжуд. Муҳофаза қилинаётган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 км² ёки Ўзбекистон ҳудудининг 5,2 %ини ташкил этади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида экотуризмнинг ривожланиши учун қулай транспорт-географик ареалда жойлашган бўлиб, турли хилдаги ривожланган транспорт ҳамда транспорт-коммуникация алоқа йўллари билан боғланган бўлиб, ўзининг халқаро туризм салоҳияти бўйича жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди.

Экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқишда сайёҳлик объектининг рельефи, тоғ жинслари, иклими, ер усти ва ер ости сувлари, тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги маълумотларни мукамал ўрганиш мақсадга мувофиқ. Кўшимча маълумот сифатида жойнинг геокомплекслари, табиатни муҳофаза қилишга оид олиб борилаётган тадбирлар ҳамда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ахборотлар берилса туристик маршрутлар ҳақиқий экологик йўналтирилган бўлади. Хусусан, ҳар қандай бошқа туристик саёҳатлар қатори экологик турларда ҳам дам олиш, жисмоний ва руҳий куч-қувватни тиклаш мақсади ётади. Кўпгина тадқиқотчилар экотуризм моҳиятини сифатли саёҳат мақсадида билишни, экологик билимга, маърифатга, табиатга нисбатан меҳр туйғуларини уйғотишга йўналтирганлар. Экотуризмни ривожлантириш учун доимий сақлаб туриладиган ва шакллана борадиган экологик маршрутлар тармоғини ишлаб чиқиш ҳамда йўналтиришга амал қилиниши лозим. Бундай маршрутлар узоқ вақт давом этадиган ва қийинчилик даражасига эга бўлган, ландшафтларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этадиган, типик атроф табиий муҳит манзараларини кўрсата оладиган, тарихий-маданий объектларини бирлаштирадиган, етарли даражада тўла ахборот билан таъминланган бўлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларидан – “Жайрон” экомарказига, Угом-Чотқол миллий боғига экотурлар ташкил этилган. Экологик туризм ривожланган мамлакатларнинг малака ва тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистоннинг турли

бурчакларидаги кўриқхоналар, миллий боғлар, буюртма кўриқхоналарга экологик турлар, маршрутлар уюштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мамлакатимизда экотуризм имкониятлари ниҳоятда катта ҳамда туристик салоҳияти бўйича дунё экотуризм индустриясида юкори ўринларни эгалласада, лекин амалда Ўзбекистонда бу салоҳият ва имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар ҳали етарли даражада амалга оширилган эмас. Чет эл сайёҳларини Ўзбекистонга, умуман Марказий Осиё табиатига, ноёб наботот ва ҳайвонот дунёсига жалб этиш мақсадида “ЭКОСАН” халқаро ташкилоти қошида 2006 йил Халқаро Экотуризм Маркази ташкил этилди ва у ҳозирги кунда ўз фаолиятини олиб бормоқда.

“Ўзбектуруризм” Миллий Компанияси охириги йилларда Ўзбекистон ҳудудлари бўйича кўпгина экологик турлар ишлаб чиқди ҳамда экологик туризм билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотларни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Давлат бионазорати “Табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш” бўлими Жайрон “Экомаркази”нинг 30 йиллик фаолиятига, жайрон, Пржевальск отлари, қулонларни сақлаш ва кўпайтириш, уларнинг эталогияси, биологияси, физиологиясини ўрганиш ҳамда экотуризмни ривожлантириш мақсадида “Жайрон” Экомарказига қўшни, очиқ йўл ҳудудида жойлашган 27300 гектар майдонни ташкил этган марказ тажриба участкасини миллий табиат боғига айлантиришга бағишланган буклет-брошюра 3 тилда чоп этилган.

Ҳозирги кунда экологик туризмни ривожлантириш мақсадида ушбу бўлим ходимлари “Жайрон” Экомарказига қўшни бўлган 27300 га майдонни ташкил этган ҳудудда Марказий Осиёда кам учрайдиган ноёб жуфт туёқли ҳайвонларни (жайрон, Бухоро қўйи, Бухоро буғуси, ёввойи эчки, бурама шохли эчки морхўр, ёввойи чўчка) сақлаш ва кўпайтириш ва уларни ҳимоя қилинган ареал ҳудудларига (кўриқхона, миллий боғлар, муҳофаза қилинган табиий ҳудудлар) қайтариш, табиий миллий боғ ташкил қилиш борасида илмий-иқтисодий асосланган лойиҳа тузиш ишларини олиб боришмоқда. Қўмита тасарруфида “Сайхун” хўжалиги Тошкент шаҳридан 100 км жануби-шарқда жойлашган бўлиб, 367 гектар майдонни ташкил этади. Мазкур майдон шимол, шарқ ва жануб томонидан 140 гектарни ташкил этган қўл билан ишончли табиий чегарага эга. Ушбу ҳудудда тўнғиз, ёввойи чўчка, чиябўри, қушлардан қирғовул, ёввойи ўрдак ва бошқа сувда сузувчи ёввойи қушлар, балиқлар мавжуд. У ерда уларнинг яшаши учун қулай шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда мазкур хўжалиқда ёввойи ўрдак ва ғозлар кўпайтирилмоқда ҳамда экотуристарлар учун жаҳон андозаларига ва талабларига жавоб бера оладиган меҳмонхона таъмирдан чиқарилмоқда. Ҳозирги вақтда “Сайхун” хўжалигида Марказий Осиёда қирилиб кетиш арафасида турган жуфт туёқли ҳайвонларни

сақлаш, кўпайтириш ва уларни табиатга қайтариш мақсадида парваришхона ташкил этилган. Ушбу маскан маҳаллий ва чет эл экотуристларини туризмни табиатга саёҳат ва экосафари турларини ўтказиш учун жуда қулай жойдир. Чунки бу ерда нафақат юқорида кўрсатилган ҳайвонлар, балки Марказий Осиёда қирилиб кетиш арафасида турган ноёб Бухоро буғуси, Бухоро қўйи, Северцов қўйи, Бухоро жайронлари, бурама шохли морхўр эчкиси каби бошқа турдаги камёб жуфт туёқли ҳайвонларни яшаш ва кўпайтириш учун етарли озуқавий ресурслар ва ҳимоя мавжуд.

Сурхондарё вилояти ноёб ҳайвонот ва наботот дунёсини тиклаш, кўпайтириш ҳамда Ўзбекистон ва чет эл экологик туризм саёҳатчиларини ёввойи табиат билан таништириш, дам олиш, ов ва қалиқ овлаш маскани яратиш мақсадида 2006 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси давлат бионазорати нозирлиги қошида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани, Термиз шаҳридан 30 км шимоли-шарқда, жами 1034 гектар майдонни ташкил этган Оқтепа сув омборининг атрофида жойлашган “Оқ тепа” табиат боғи ташкил этилди. Мазкур маскан миграция қилувчи қушлар, ёввойи ўрдак ва сузувчи қушларнинг вақтинча дам олиб, тўхтаб ўтувчи ҳамда кўпгина қушларнинг қишлаб қолиш маконига айланган ҳудуддир.

Ҳозирги кунда “Оқ тепа” табиат боғида ўрмонзорлар, саксовулзорлар барпо этиш, табиий тўқайзорлар ҳамда Марказий Осиёда қирилиб кетиш арафасида турган ноёб ўсимлик дунёсини тиклаш ва кўпайтириш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳридан 65 км шимоли-ғарбида жойлашган балиқ турларига бой Айдар-Арнасой кўллар тизимида экотуризмнинг табиатга саёҳат ҳамда балиқ овлаш турлари ўтказиш учун жаҳон талабларига жавоб берадиган мехмонхона қуриб битказилди. Бундан ташқари, давлат бионазорати Айдар-Арнасой кўллар тизимида тезкор рейд текшириш ишларини кучайтириш ҳамда экотуристларни кўл ва унинг атрофи табиати, ландшафтлари, ҳайвонот ва наботот дунёси билан яқинроқ таништириш мақсадида зарурий техника ва жиҳозлар билан таъминланган.

Ўзбекистонга келувчи экотуристларга сервис хизмати кўрсатилиши соҳасига ҳозирги замон технологияларини жалб қилишга ҳам эътибор берилмоқда. Маълумки, экотуризм масканлари, асосан марказлашган энергия таъминоти тизимларидан четда бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган. Шунинг учун бу масканларни электр энергияси (ёритиш, ТВ, радио, алоқа ва ҳқ) ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда фото электр станциялари ва қуёш коллекторларини ўрнатиш ишлари амалга оширилган. Мамлакатимиздаги бир қатор кўрикхоналарда, Сурхондарё вилоятида “Оқ тепа” табиат боғига, Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофида,

Жиззах вилоятидаги “Зомин”, “Туркистон тоғ тизмасининг фауна, флорасини ўрганиш мониторинги ва ўқув Маркази”да, Бухоро вилоятидаги “Жайрон” экомаркази парваришхонасига экологик тоза қайта тикланувчи энергия қурилмалари ўрнатилди. Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар, чора тадбирлар, албатта яқин йилларда Ўзбекистонда экотуризмнинг сезиларли равишда ривожланиши учун хизмат қилади.

Экотуризмнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2007-2015 йиллар давомида экотуризмни ривожлантириш чора-тадбирлари давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ёки Фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини қабул қилиш. Дастурда мамлакатимизда экотуризмни босқичма-босқич ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаб бериш, моддий-молиявий асосини кўрсатиш, амалий ишларни бажариш муддатларини аниқлаб бериш.
2. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбектуризм миллий компанияси ҳузурида экотуризм бўйича махсус бўлинмаларни ташкил этиш ва уларнинг низомларини ишлаб чиқиш.
3. Экотуристлик хизмат кўрсатишнинг турли мулк шакллари кенгайтириш ва унда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш.
4. Экотуризм билан шуғулланувчи шахсларга имтиёзли кредитлар бериш, солиққа тортиш, божхона тўловларини амалга ошириш масалаларини замон талабига мослаштириш.
5. Экотуризмга оид меъёрий-ҳуқуқий тизимни атрофлича чуқур таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш, тегишли қўшимчалар ҳамда ўзгартиришлар киритиш экотуризмнинг ҳуқуқий механизмни яратиш.
6. Экотуризм билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахсларга: намунавий лойиҳа ва бизнес режаларни ишлаб чиқиш, моддий-техника, ахборот-таҳлилий, тезкор хизмат кўрсатиш базасини яратиш.
7. Республикада минтақавий, миллий, маҳаллий ва халқаро экотуристлик жамғармаларни ташкил этиш.

Экотуристлик фан, таълим, тарбия ва тарғибот:

1. Реклама мақсадида экотуризм тўғрисида брошюра, буклет, памфлет, варақа ва шу кабиларни етарли ададда чоп этиш.
2. Экотуризмга оид илмий тадқиқотларни жадаллаштириш учун фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича давлат грантларини ажратиш ҳамда танловларни ўтказиш.
3. Экотуризм йўналишидаги илмий ишларни мувофиқлаштириш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошида илмий амалий Марказни ташкил этиш.
4. Экотуризм йўналишидаги юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг Ихтисослашган Кенгашлари

таркибида махсус шифрларни (масалан, “Экотуристтик бошқарув ва бизнес”, “Экотуризм иқтисодиёти” каби мутахассисликларни) таркиб топтириш масалаларини кўриб чиқиш. 5. “Экотуристтик хизмат”, “Экотуристтик маркетинг ва менежмент”, “Экотуризм гиди” каби мутахассисликлар бўйича ўрта бўғиндаги касб-хунар таълимидаги тегишли йўналишларда кадрлар тайёрлашнинг узвийлигини таъминлаш. 6. Экотуризм бўйича давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш, ўқув, ўқув-методик адабиётларни яратиш. 7. Экотуризм бўйича кадрларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълимини йўлга қўйиш. 8. Аҳолининг экотуристтик онги ва маданиятини ўстириш учун оммавий ахборот воситаларида экотуризмга бағишланган махсус рукн ва туркумларни ташкил этиш, конкурслар, викториналар ва лотарейя ўйинларини ўтказиш. 9. Экотуризмга бағишланган илмий-оммабоп, оммабоп нашрларни (карта, буклет, атлас, тақвим, CD, DVD дисклари) чоп этиш. Интернетда давлатнинг ахборотлашув ва тарқатув сайтларини ташкил этиш. 10. Экотуристтик инфратузилмани шакллантириш. 11. Экотуризм орқали ёшларимизда миллий ғоя ва ифтихорни тараннум этиш.

Экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари: 1. Экотуризм объектларида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш. 2. Экотуризм қадамжойларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, туристик инфратузилмани ҳосил қилиш. 3. Экотуризмнинг жаҳон талабларига жавоб бера оладиган моддий-техник, ахборот тахлилий базасини яратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш лозим. 4. Экотуризм масканларини электр энергияси (ёритиш, телевидение, радио, алоқа ва ҳ.к.) ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида экологик тоза, қайта тикланувчи муқобил энергия қурилмалари ёрдамида фойдаланишни кенг йўлга қўйиш лозим.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришни оммавий тус олиши учун фақатгина юқорида кўрсатилган чоратadbирлар етарли эмас, албатта. Бунинг учун экологик таълим, тарбия, тарғибот, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ҳамжихат бўлиб, соҳага тегишли муассаса ва ташкилотлар ҳамкорликда ҳаракат қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу йўналишда юзага келадиган барча камчиликларни бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси, Экосан халқаро ташкилоти қошидаги Экотур маркази ва бошқа экотуризмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган тегишли қўмиталар, вазирликлар ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда умумий илмий-иқтисодий

асосланган Ўзбекистонда Экотуризмни босқичма-босқич ривожланиш стратегия дастурини ишлаб чиқиш, изчил ҳаётга татбиқ этиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тошбоев З.М., Умрзоқов И., Умрзоқова Г. Зомин давлат кўриқхонаси ва унинг ташкил этилиши. //География ва геоэкология. Илмий мақолалар тўплами. Самарқанд. 2017. СамДУ нашри. 120-122 б.

2. Тошбоев З.М., Ўролова Ф., Қаландарова Г., Дийхонбоева П. Ўрта Осиё худудида табиатни муҳофаза қилиш ишлари. //Географиянинг минтақавий муаммолари. Жиззах. 2017. 277-280 б.

3. Тошбоев З.М., Эсиргапова Ю., Ҳазраткулова Г. Нурота-Қизилқум биосфера кўриқхонаси ташкил этилиши. //География ва география таълимидаги муаммолар. Республика илмий-амалий конференцияси. Фарғона. 2018. 41-46 б.

4. Тошбоев З.М., Ҳазраткулова Г., Қобулова Р. Қуйи Амударё округи муҳофаза этиладиган худудлари. //География ва география таълимидаги муаммолар. Халқаро илмий-амалий конференцияси. Нукус. 2018. 59-61 б.

5. Тошбоев З.М., Ҳазраткулова Г., Эсиргапова Ю. Зомин миллий табиат боғи. //География ва глобализация: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференцияси. Андижон. 2018. 147-149 б.

6. Toshboyev Z.M., Kushmatov B.B., Murodullayev H.H. Anthropogenic landscape types in mirzachol. International Conference on Digital Society, Innovations & Integrations of Life in New Century. 1-3 pp.

7. Toshboyev Z.M., Yarashev K.S. Formulation and Development of Mirzachul Landscapes. Nature and Science. Volume 18, Number 2. February 25, 2020. Marsland Press. Multidisciplinary Academic Journal Publisher.

8. Тошбоев З.М. Мелиоративно-техногенные элементы в структура оазисных ландшафтов Мирзачул. Науч.конф. Уфа, Башкортостан. Россия. 2020. С.143-145

9. Тошбоев З.М. Мирзачўл воҳа ландшафтларининг шаклланишида ирригациянинг роли. //Наука и образование в современном мире. Вызовы XXI века. Междунар. научно-практ. журнал. Нур-Султан, Казахстан. 2020.

10. Toshboyev Z.M. Relief forms of Mirzachul oasis. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal. /Vol. 10 Issue 11, November 2020 (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. p. 5.

11. Тошбоев З.М. Мирзачўл воҳа ландшафтларининг шаклланиши ва ривожланиши. GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY - SJIFactor.

12. Тошбоев З.М. Косимов Н.Д. Географическое распространение агроландшафтов. Научно-практическом электронном журнал “Экономика и социум”. №5 (84). Часть 2. (май, 2021). Стр. 386-397.

13. Тошбоев З.М. Современное мелиоративное состояния оазисных ландшафтов Мирзачула и вопросы их оценки. “Экономика и социум”. №1(91). Часть 1. (феврал, 2022). Стр. 1-14.

14. Тошбоев З.М., Косимов Н.Д. Туристические возможности оазиса Мирзачуля. Актуальные научные исследование в современном мире. Выпуск 1(81). Часть 1. Переяслав, 2022. ISSN. 2524-0986. iScience. С 160-163.